НАВОИЙ ФАХРИЯЛАРИ

Б.ЖАЛИЛОВ

В данной статье, анализируя “фахрия” в произведениях Навои, рассматривается вопрос об отношении поэта к собственному творчеству.

In given article was analyzed "fakhriya" in the work of Navoi, the question on the attitude of the poet to own creativity is considered.

Навоийшунослик шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида улкан ишларни амалга оширди. Навоийдан қолган маданий мерос бир уммонки, унда ҳали ўрганилиши зарур масалалар беқиёс кўпдир. Шундай масалалардан бири шоир фахрияларидир. Зеро, навоийшуносликка оид илмий адабиётларда фахриялар турли муносабатлар билан тилга олинса-да, улар махсус ўрганилган эмас. Навоий фахрияларини ўрганиш унинг ижодхонасига чуқурроқ кириш имконини беради. Шоир фахриялари унинг ижодидаги режа ва ижро масалаларини, у ёки бу асарнинг яратилиш тарихини, шоирнинг ўз ижодий имкониятларига берган баҳосини, бу баҳонининг даврлар синовларидан нечоғлик ўта олганини кўрсатишга йўл очади.

Фахрия ўзбек адабиётшунослигида яхши ўрганилмаган адабий ҳодиса бўлгани сабабли у ҳақда аниқ ва лўнда тасаввур йўқ. Унга жанр сифатида қараш керакми ёки шеърий санъат деб тушуниш зарурми? Бизнингча, фахрияни шеърий санъат деб қараш маъқулдир. Адабий жанр бўлиши учун маълум мазмуний асос ва шаклий хусусиятларга эга бўлиш талаб этилади. Фахрияда мазмуний асос бўлса-да, маълум турғун шаклий хусусиятлар йўқ.

Фахрия арабча сўз бўлиб, ўзаги фахр – мамнунлик ҳисси, ғурурланиш маъноларини беради. Фахрия – мақтов мазмунидаги шеърий ёки насрий парча бўлиб, унда ижодкорнинг ўз ижодига, у ёки бу асарига ўзи томонидан берилган юксак баҳоси, ўз ижодини бошқалар ижоди билан қиёси ифодаланади. Улкан шоирлар тажрибаси шуни кўрсатадики, улар ўз ижоди ҳақида ҳеч кимни камситмасдан, бошқа ижодкорлар асарларининг қиймати ва аҳамиятини эътироф этган ҳолда фахрия айтганлар.

Фахрия гўзал ифодаланганидан ташқари давр синовларидан ўта олсагина, ижодкор баҳоси кўпчилик томонидан тан олинсагина чинакам санъатга айланади. Шоирларнинг ўз ижодига, ўз асарига ўзининг баланд баҳо бериши, бир томондан, шарқона одоб доирасига сиғмагандай бўлиб кўринади, иккинчи томондан эса, шоирлар руҳиятида шундай бир туйғу бўладики, уларнинг ҳар бири ўзини буюк шоир санаб, ёзаётган нарсасини энг зўр ижод намунаси деб билади. Акс ҳолда, шоир ижод қила олмайди. Ижодкор қалбида ана шундай туйғу ҳукмрон бўлсада, айрим шоирлар бошқалар олдида ўз ижодини пастроқ баҳолаган ўринлар ҳам йўқ эмас. Бундай ўринларда шоирнинг баҳосини ҳақиқат ўрнида қабул қилмасдан, унинг шарқона камтарлиги, устозга ҳурмати маъносида қараш керак. Масалан, шоир Қутб Низомий Ганжавий “Хамса”сидаги “Ҳисрав ва Ширин” достонини маҳорат билан таржима қилган ҳолда:

Қозонтек қайнаб уш савдо пиширдим,
Низомий болидин ҳалво пиширдим, –

деб ёзган. Адабиётшунос Г.Бегдели 1967 йилда эълон қилган “Шарқ адабиётида “Хисрав ва Ширин” мавзуси” номли монографиясида Қутбнинг камтарлик билан айтган фикрини айнан тушуниб, унинг таржимасига етарли баҳо бермайди. Бу тўғри эмас, албатта.

Шарқ адабиёти тарихига назар ташласак, деярли барча шоирларнинг фахрия айтганига гувоҳ бўламиз.

Фирдавсий “Шоҳнома”сида шундай сатрлар битган:

Ёмғир ва қуёш нурларидан бўлурлар барбод
Ҳашаматли биноларким эрдилар обод.
Мен шеърим билан тикладим олий бир қаср
Унга заҳмат етказолмас на тош, на ёмғир.

Хисрав Деҳлавий “Дарёи аброр” қасидасига ўта юксак баҳо беради: “Агар афлок ҳаводиси ва рўзғор навоибидин менинг барча назмим замона саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасидам қолса, менга басдур, невчунким, ҳар киши они ўқуса, билурким, назм мулкида менинг тасарруф ва иқтидорим не мартабада экандур”.

Юқоридаги икки фахрия давр синовларидан муваффақиятли ўтди. “Шоҳнома” жаҳон тилларига таржима қилиниб, халқ эъзозида яшамоқ-

да. Хисрав Деҳлавий қасидаси эса Жомий, Навоий сингари улкан ижодкорларни ҳам мафтун этди. Жомий “Дарёи аброр”га назира тарзида “Лужжат ул-асрор”, Навоий эса “Туҳфат ул-афкор” қасидаларини ёзгани Деҳлавий фахриясининг ҳақлигини кўрсатади.

Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг” асарини “туркий “Шоҳнома” деб атаган бўлса, Аҳмад Яссавий “Дафтари соний” ҳақида шундай фахрия айтган:

Оят, хадис маъноси туркий бўлса мувофиқ
Маънисига етганлар ерга қўяр бўркини.

Катта фахр билан айтилган ва амалда ўзини ёқлаган фахриялар қаторига Хофиз, Жомий, Бобур каби шоирлар фахрияларини киритиш мумкин:

Ироқу Форс гирифти ба шеъри хуш Хофиз.
Биёки навбати Боғдоду вақти Табрез аст
(Хофиз).

Агар ба Форс равад карвони ашъорам,
Равони Сади-ю Хофиз Кунанд истиқбол
(Жомий).

Ироқу Форса гар етса, сенинг бу шеърингг, эй Бобур,
Ани хифз этгуси Хофиз, мусаллам тутгуси Салмон
(Бобур).

Ҳа, чиндан ҳам, Хофиз шеърияти нафақат Бағдоду Табриз, бутун Шарқ оламида шуҳрат тутгани каби, Жомий шеър карвони истиқболига Саъди-ю Хофизгина эмас, Шарқ шоирлари пешвоз чиқмоқдалар. Бобур шеърияти эса фақат Ироқу Форсдагина эмас, она юрти Турон, Афғону Ҳинд – бутун жаҳонда шуҳрат топмоқда.

Адабиёт тарихида айрим фахриялар санъат даражасига кўтарилмаган, давр синовларидан ўта олмаган, баҳо ўзини оқламаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай шоирга ҳам фахрия айтиш тўғри кела бермайди. Фахрия айтувчининг етарли маънавий асоси бўлмаса, у фахрияда меъёрни билмаса, одоб доирасидан чиқса, бундай фахриялар ўша шоир учун маломатга айланиши мумкин. Фахрия айтишда манманликка берилиш, одобсизлик қилиш ўзини оқлаган эмас. Умархон Саройининг “Малик-уш шуароси” Адо шундай фахрия айтган эди:

Гар Навоийдин Адо сўзини ўткарса не тонг
Шоҳ Умар афзалму ё Султон
Хусайний Бойқаро.

Бу фахрия ўзини оқламади. Адонинг сўзи Навоий сўзидан ўткир бўлмайди, бўлолмайди. Адо номини бугун Навоий ҳазратлари туфайли эслаб турибмиз. Умархон саройининг мақтанчоқ шоирларидан яна бири Фазлий эса “ўз асримнинг Низомийси, Жомийси, Навоийсиман”, деб даъво қилган эди:

Манам Фазлий номвар дар замон,
Низомий асри худам дар сухан.
Ба гуфтор дорам зи Чоми Нишон,
Ба ашъори турки Навои баён.
(Мен замоннинг машҳур Фазлийсиман,
Сўзда асрнинг Низомийсиман.
Сўзлашда Жомийдан нишоним бор,
Туркийда ашъорим Навоий баён).

XVII асрда яшаган Ниёзий тахаллусли шоир ўзини замонасининг Хисрав Деҳлавийси деб даъво қилгани, Жомийни эса менсимаганлиги учун самарқандлик шеърият мухлислари уни шаҳардан қувиб юборганлар.

Навоий илмий ва бадиий ижодида бошқаларга ибрат бўлгани каби, фахрия айтишда ҳам намуна бўлган. Навоий ўз ижоди, ўз талантининг сарбаланд эканини фахрияларида айтишга тортинмаган. Шуниси муҳимки, Навоий фахриялари амалда ўзини оқлаган. Масалан, шоир “хоса маъни” саналган ийҳом санъати билан бир кунда юз байт битишни ҳолва ейиш билан тенг кўрган:

Агар хоса маъни гар ийҳом эрур
Онинг бир кунда юз байти ҳалвом эрур.

Агар шоир бир кунда юз байт айтишга қодир бўлмаганда эди, қирқ беш минг мисрадан иборат “Хазойин ул-маоний”, ўн икки минг мисрадан иборат “Девони Фоний” девонларини, эллик бир минг икки юз ўттиз мисрадан иборат “Хамса”дек асарини икки йилда ёзиб тугатармиди?!

Дарвоқе, “Хамса”га доир фахриялар ҳам жуда баланд пардаларда айтилган, энг муҳими, ана шу гапларнинг ҳаммаси бажарилган. Маълумки, Низомий Ганжавий “Хамса”ни ўттиз йилда ёзган. Навоий Самарқандда талабалик чоғлари Саид Ҳасан Ардашерга ёзган мактубида “Хамса”ни иккиуч йилда ёзиб қўяман деб фахрия айтган:

Ўттиз йилки они Низомий демиш,
Қошимда эрур икки-уч йиллик иш.

Навоийнинг бу фахрияси Ҳиротда катта шов-шувга сабаб бўлади. Навоий фахриясини эшитган Ҳусайн Бойқаро шундай деган эди: “... бу гаплар шоирона лоф ва мояи ҳаммом газоф (қаламнинг беҳуда валдираши)”. Чиндан ҳам, Навоий “Хамса”си 1483-1485 йилларда ёзиб тугатилди. Яна ҳам ҳайратомуз нуқта шуки,

шоирнинг ўзи “Хамса”ни ёзишга кетган вақтни олти ой деб айтган:

Йиғиштирса бўлмас бори олти ой
Ки бўлдинг бу раънога суратнамой.

Бу икки йил, олти ой ҳақидаги фикрларни қуйидагича тушунмоқ керак. Алишер болалик чоғлари Низомий, Ҳисрав Деҳлавий “Хамса”лари билан танишгач, туркий тилда “Хамса” ёзишни ният қилган эди:

Кичик эрконимдин бўлиб қошима
Улуғ муддао солдингиз бошима.

Шоир йигитлик чоғида “Хамса”ни икки йилда ёзаман деб фахрия айтган экан, умри бўйи бу ишга тайёрланиб юрди. Бу икки йил, бу олти ой шоир хаёлида тайёр бўлган сатрларни қоғозга тушириш учун керак бўлди.

Навоий “Хамса” ёзмай туриб фахрия айтгани каби “Хамса”ни тугатгач ҳам шундай фахрия айтган:

Олибмен тахти фармонимда осон
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким Шерози Табрез
Ки қилмишдир найи қилким шаккаррез
Кўнгил бермиш сўзимга турк жон ҳам
Не ёлғиз турк, балки туркмон ҳам.

Навоий замондошлари: А.Жомий, Ҳ.Бойқароларнинг Навоий “Хамса”сига берган юксак баҳолари, “Хамса”нинг беш асрдан ортиқ вақт эл ардоғида экани Навоий фахрияларининг ҳаётий эканлигини кўрсатди. Ҳусайн Бойқаро Навоий “Хамса”си билан танишгач, Навоийни ўзига пир деб билади ва унга қуйидагича баҳо беради:

Эрур сўз мулкининг кишваристони,
Каю кишваристон Хусравнишони
Дема, Хусравнишонким, қаҳрамоне.
Эрур гар чин десанг соҳибқироне.

Навоий эпик ижодиётдагина буюк бўлмасдан, лирик ижодиётда ҳам буюк шоир эди. Адабиёт тарихида Бобо Султон Навоий, Муҳаммад Шариф Навоий, Бақоий-Навоий сингари шоирлар ўтган бўлса-да, бизнинг Навоий лирикаси баркамоллиги, сержилолиги, чуқур мазмунга эгалиги билан бошқа Навоийлар ва бошқа шоирлар ижодидан ажралиб туради. Хайратомуз башорат шундаки, Навоий ўз лирик шеърлари ҳақида тўхтаб, агар шеър охирида Навоий деган сўз бўлмаса ҳам, “аҳли дард” бу шеър Навоийники эканини била беради, деб фахрия айтган эди:

Сабт ўлмаса Навоий оти назми зайлида
Фахм айлар аҳли дард каломи адосидин.

Шоирнинг “Лисон-ут тайр” достонида шундай фахрия бор:

Турк назмида чу тортиб мен алам
Айладим ул мамлакатни як қалам.

Ҳа, Навоий шундай дейишга тамомила ҳақли эди. Навоий туркий тил имкониятларини тушуниб, унинг ҳуқуқи учун кураш бошлаганда, туркигўй шоирлар у қадар кўп эмас эди. “Мажолис-ун нафоис” тазкирасида 459 та шоир ҳақида маълумот бор. Шулардан 29 таси ҳам форс, ҳам туркий тилда ижод қилар, туркигўй шоирлар эса 16 тадан ошмас эди. Навоий мана шундай шароитда туркий тил ҳуқуқларини тиклаш учун алам тортди, курашди.

Бу “алам тортиш” икки йўлдан борди. “Муҳокамат ул луғатайн” номли асар ёзиб, туркий ва форсий тилларини қиёсий таҳлил қилиб, туркий тилнинг ифода имкониятлари бой эканини илмий тарзда исботлаб берди. “Туркий тилда гўзал обидалар битиш мумкин эмас”, деган ақидаларга қарши бориб, “Хазойин ул-маоний”, “Хамса” каби асарларини туркий тилда ёзиб, туркий тилнинг зўрлигини амалий жиҳатдан исбот этди. Фахр билан айтиладиган яна бир нуқта шуки, барча шоирларни туркий тилда ижод қилишларига даъват этувчи Ҳусайн Бойқаронинг махсус фармони чиқади. Буларнинг ҳаммаси Навоий фахрияларининг ҳаётийлиги, шунчаки мақтов сўзлари бўлмасдан, даҳо ижодкорнинг башоратлари исботи ҳамдир.

Навоий баланд пардаларда фахрия айтган шоир бўлиш билан бирга, ўта камтарлиги билан ҳам бошқаларга ибратдир. “Мажолис-ун нафоис” китобида шундай гап бор: “Мавлоно Бурхониддин... бир фақирга подшоҳ муҳр таклифи қилғонда тарихе айтиб эрдиким, бағоят хуб воқе бўлуб эрди. Аммо чун фақирнинг таърификим нафсул-амрда воқедур, лозим келур эрди, битилмади”. “Мезон ул-авзон” асари хотимасида эса: “Илтимос бу фан аҳлидин улким, ҳар ерда саҳв ва хатое воқеъ бўлмиш бўлса, эътироз билан ўтмагайлар ва ислоҳ қалами билан тузатгайлар”, - деб ёзган эди.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” китобида шундай фахрия айтган эди: “Умидим улдурки ва хаёлимга андоғ келурки, сўзум мартабаси авждин қуйи энмагай, ёзганларимнинг шуҳрати аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай”. Орадан олти аср вақт ўтибдики, Навоий ёзганларининг шуҳрати баланд ва аъло даражада бўлиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий лирикада, эпик асарларида, илмий асарларида, ҳаёт йўлида ибрат ва намуна бўлгани каби фахрияларида ҳам ибратли ижодкордир.

Андижон давлат университети,
2010 йил 23 январда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. С.Мирзаева)